Gazeta 1997 - yil 27 - avgustdan chiqa boshlagan

# HUQUQ

Mustaqillik huquq demakdir

№ 42 (203), 24 - 30 - oktabr 2001-yil

YURIDIK GAZETA

● РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН МУҲОФАЗАСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлисида иккита масала муҳокама этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала — Республика прокуратураси органларининг қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш борасида 2001 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари ҳақида Республика Бош прокурорининг ўринбосари Эшдавлат Жўраев ахборот берди.

Марказий маҳкаманинг бўлим бошлиғи Ёлқин Аъзамхўжаевнинг ахбороти Сирдарё вилояти прокуратураси органларининг қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини ялпи текшириш натижалари ҳақида бўлди.

Мажлисда ушбу масала Республика прокуратураси органларининг 9 ойлик фаолияти асосида умумлаштирилди ва Сирдарё вилояти прокуратураси органларининг кейинги икки ярим йил орасидаги фаолияти мисолида чуқур таҳлил этилди. Шунинг учун ҳар икки маърузада ҳам бу борадаги камчилик ва хатоларнинг сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш йўлларига алоҳида урғу берилди. Бу борада тушунтириш берган тегишли вилоятларнинг прокурорлари ўз изоҳномаларида камчиликларни тезроқ тугатишнинг муайян ҳудуддаги имкониятларига кўпроқ тўхталдилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Прокурорлик назорати ёрдамида қонунбузилишларни бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чоралари кўриб борилмоқда.

Мажлисда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Ижтимоий соҳада аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш лозим деб топилди.

Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг шу давр мобайнида эришган маълум натижалари билан бирга, унинг фаолиятини ташкил этиш, кадрлар билан тўлдириш борасидаги камчиликлар муҳокама қилинди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини тўлиқ бажаришга эътибор кучайтирилди.

Жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган тадбирларни мувофиқлаштириш, аҳоли ўртасида, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлантириш, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгартиришларни жойларда чуқур ўрганиш ва амалга татбиқ этилишининг ташкилий томонлари ҳам кўриб чиқилди.

Прокурорлик назоратининг бошқа йўналишлари ҳам ишларни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар белгиланди.

Иккинчи масала юзасидан тушунтириш берган Сирдарё вилоят прокурори Э.Бердимуродова эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди ҳамда уларни бартараф этишнинг чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Бош прокурори, I-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Рашитжон Қодиров ҳайъат мажлисига якун ясар экан, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган ва «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг асосини ташкил этган сон кетидан қувиш эмас, балки сифат ва самара, яъни муайян ҳудуддаги қонунийликнинг аҳволига қараб прокурор фаолиятини баҳолаш мезони бундан кейин ҳар бир прокуратура ходими учун олтин қоида бўлиб қолиши керак, деган хулосага мажлис қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



А. ТЎРАЕВ олган сурат

*Болалар кулгуси - тинчлик қўшиғи*

## МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

**РЕСПУБЛИКА** прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-терговс ходимларининг малакасини ошириш ўқув марказининг Фарғона бўлимида Республика прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бошқармалари ходимларининг ўқув машғулотлари бошланди. Машғулотларни марказ директори Э.Абзалов қисқача кириш сўзи билан очди.

Республика прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Б.Зоҳидов солиқ интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, солиққа оид жиноятларни ва қонунбузилишларга қарши курашиш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш департаментнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Андижон вилоят прокурори У.Шамсиев республика ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан иборат делегациянинг Буюк Британия суд-ҳуқуқ тизими фаолияти билан танишиш учун уюштирилган сафардан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.

Ўқув машғулоти тингловчилари, шунингдек Марғилон шаҳар прокурори М.Тешабоевнинг «Терроризм ва диний экстремизм — огоҳликка даъват» мавзусидаги маърузасини тингладилар.

**И.ИБРОҲИМОВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**

«HUQUQ»
YURIDIK GAZETA

**Ta`sischilar**
O`zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**
*Abduxoliq ABDURAZZOQOV*

**Tahrir hay`ati:**
Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas`ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo`mitasida №00150 raqam bilan ro`yxatga olingan
Nashr ko`rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G`ulomov ko`chasi, 66-uy.
**Telefon:** 133-82-34.
**Reklama va e'lonlar:** 77-68-67, 77-59-31.
**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo`lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas`ul.
Nashrimizdan ko`chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko`rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxona manzili:
*Toshkent shahri, Buyuk Turon ko`chasi, 41.*

Buyurtma Г - 2949
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir: H. NISHONOV**
**Navbatchi: N.MAHMUDOV**

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

# ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

## АДОЛАТ ТАНТАНАСИ МУҚАРРАР



Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**2001 ЙИЛНИНГ** 11 сентябри ёвуз кучларнинг тинчлик, демократия ва тараққиётга хуруж қилган кун сифатида инсоният қалбида қолди. Ўша машъум кунда терроризм деган қора бало ўзининг жирканч башарасини кўрсатди.

Ҳа, АҚШнинг бошига тушган кулфат инсониятни огоҳликка чақирди. Тараққиёт ва осойишталик тарафдорларини бирлашишга чорлади.

Бу офат хавфини менинг назаримда бошқалардан олдинроқ Президентимиз Ислом Каримов сезиб, тараққийпарвар давлатлар раҳбарларига тез-тез эслатиб турган эди.

Юртбошимиз озодлик ва эркинлигимизни кўролмаётган, унга раҳна солиш учун турли ғаразли йўлларни ўйлаб топаётган, ваҳобизм ва ҳизбут-таҳририга ўхшаган бемаъни оқимлар бора-бора ислом фундаментализми тегирмонига сув қуйиши мумкинлигини ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тарққиёт кафолатлари» номли китобида қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сўзлаган маърузасида ҳам, Туркияда бўлиб ўтган саммитда ҳам худди ана шу мавзуда сўзлаб, ер юзида экстремизм хавфи борлиги, унга қарши курашувчи умумжаҳон маркази тузиш ҳақида таклиф қилган эди.

Мана энди кеч бўлса ҳам жаҳон мамлакатлари экстремизмга қарши чинакам кураш бошлади. БМТнинг хавфсизлик кенгаши «жаҳон экстремизми»га қарши махсус қарор қабул қилди. Минг афсуски, бу қарор қабул қилингунга қадар кўп жойларда бўлгани қатори бизнинг мамлакатимизда қисқа бўлса ҳам нотинчликлар бўлиб ўтди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатида жаҳон сиёсатида юз бераётган воқеаларга тўғри, адолатли баҳо берилиб, мамлакатимиз халқларининг осойишталиги, тинч ижодий меҳнат билан шуғулланишлари учун энг аввало тинчлик ва барқарорлик зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бунинг учун курашмоқ, миллий аҳилликни юзага келтирмоқ, айниқса ёшларга ўз юрти билан фахрланиш туйғусини сингдирмоқ кераклигини юртбошимиз таъкидлаб ўтди.

Ер юзининг турли нуқталарида бўлиб турган нотинчликлар, қирғинбаротлар, ёвузликларга қарамай юртимизда фаровонлик ҳукм сурмоқда. Бу аввало юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бўлмоқда, қолаверса, халқимизнинг бирлиги, эртанги кунга бўлган катта ишончи меваси деб биламан. Шуни ишонч билан айтаманки, ғаразли кучлар ҳеч қачон ўз мақсадларига эришолмайдилар. Адолат ва ишончнинг ғалабаси тонгда чиққан қуёш каби муқаррардир.

## МАЪРИФАТ — ХАЛҚ БАРКАМОЛЛИГИ

• Давлат сиёсати халқнинг ўй-ташвишларига қанчалик яқин бўлса, уларнинг хоҳиш иродаси қанчалик кенг ифода этилса, маърифий тараққиётга шунчалик кўп имконият яратилади.

Бугун ҳаёт ҳар биримиздан ўз тақдиримиз, ўз оиламиз, ўз Ватанимиз ҳақида жиддий қайғуриш, эртанги кун учун астойдил ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Юрагимиздаги орзу-умидлар, эзгу ниятлар хатти-ҳаракатларимиз билан уйғунлашиб, ибратли фаолиятга айлансагина кўзланган мақсадимизга эришмоғимиз мумкин бўлади.

Маърифатга асосланган, маърифат билан амалга ошириладиган давлат сиёсатигина ҳар қандай бало-офатларнинг олдини олишга қодир. Донишманд Афлотун: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан зарарлироқдур. Инсон энг юқимли бир касалликдан сақланганi каби жаҳлдан ҳазар қилмоғи лозимдур», деб уқтиради. Мажозий маънода жаҳолат еру осмон ўртасида ловуллаган оловдирки, у хуруж қилган пайтда ҳўлу қуруқ баробар ёнади ва фақат ҳалокат билан якун топади.

Жадидчилик ҳаракатининг атоқли намоёндаси Абдулла Авлоний шундай ёзган эди: «Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат — қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур... Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолған халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас...

Зероки, жаҳолат энг қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур».

«Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий», дейилади Президент Ислом Каримов баёнотида.

«Модомики, ён атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чоралар кўраётганимизни айтиб ўтмоқчиман», — дейилади мазкур баёнотда.

Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси. Ўзингиз ўйлаб кўринг, халқимиз энди эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими? Ҳақиқатан ҳам кишида жаҳолат кучли бўлса, унинг хатти-ҳаракатини жаҳолат бошқарса, жамиятда ҳалокат ва фалокат юз бериши табиий.

Жамиятимиз аъзолари умумий мақсад йўлида ўз тақдирини жамият тақдири билан боғлиқ тушунса, яхлит ижтимоий бирлик вужудга келади.

Мустақилликнинг қадрига етиб яшаш, атрофимиздаги соғлом муҳитга, воқеликка онгли муносабатни қарор топтириш барча фуқароларнинг бурчидир. Маърифатга эътиборсизлик, хурофат ва жаҳолатга берилиш манқуртлик, ўзлигини ва оламни унутиш эканлигини чуқур англаш пайти етиб келди. Мустақиллик ўзликни англаш, фикр қашшоқлигидан қутулиш демакдир.



Н.АБДУАЗИЗОВА, тарих фанлари доктори, профессор

*Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.*

Ислом КАРИМОВ

## БИРЛАШГАН ЎЗАР

Президент Ислом Каримовнинг матбуотда эълон қилинган баёнотини ва юртбошимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатини қунт билан ўрганиш туфайли менда баъзи мулоҳазалар пайдо бўлди.

Терроризмнинг мақсадлари наркобизнес, қурол-яроғ контрабандасини ривожлантириш, ўзига ёқмаган ёки қаршилик қилган тузумни ағдариб ташлаш, илғор давлатларга моддий, ахлоқий-маънавий жиҳатдан зарар етказишдан иборат. Уларнинг нияти ҳукмронлик қилиш, обрў орттириш ва одамларни қўрқувда ушлаб туришдир. Террорчиларнинг бирон-бир нияти амалга ошмаган бўлса, ҳокимиятга интилиб етолмаган бўлса, айтайлик, аламзадалик билан қасос олиш пайига тушади, босқинчилик қилади ва одамлар ҳаётига тажовуз қилади.

Ҳар бир инсоннинг энг буюк мақсади тинчлик, осойишталик, бунёдкорлик ва яхшиликка хизмат қилишдир. Юртбошимиз айтганларидек, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг кундалик амалий иши ва ҳаракати бўлиши керак. Мен кўз шифокори сифатида таъкидлашим лозимки, кичкина кўзнинг шикастланиши сўқирликка ва инсоннинг ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлса, бундан шу инсон ҳам, унинг оила аъзолари ҳам, жамият ҳам зарар кўради. Таққослайдиган бўлсак, терроризмнинг даҳшатли хуружи туфайли минглаб одамларнинг ёстиғи қуриди, жамият учун эса жиддий маънавий ва моддий зарар етади.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаб, уни таг-туги, томири билан йўқотишимиз зарур. Ғаразли уйдирмалар тарқатаётган кимсаларга бепарво, лоқайд бўлмайлик, ўз вазифамизни масъулият билан бажарайлик, инсонларнинг руҳини кўтарайлик ва фарзандларимизнинг турмушидан огоҳ бўлайлик.

Зеро, ер юзидаги тинчлик, осойишталик ва бунёдкорликдан барча халқлар манфаатдордир.

**Холиджон КОМИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

## ЭЗГУЛИК ҲАМИША ҒОЛИБ



Ф. НУРИДДИНОВ, Тўрткўл тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси

БУГУНГИ КУНДА терроризм номли офат инсоният ҳаёти ва келажаги учун нақадар катта хавфга айланиб улгурганлиги хусусида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Негаки, терроризм балосидан қанча элат, не-не миллат вакиллари азоб тортмади, дейсиз. Айниқса, ўтган ойнинг 11 санасида АҚШда қайд этилган мудҳиш воқеалар башарият қалбини ларзага солди. Шу кундан эътиборан ер юзининг турли нуқталарида жойлашган давлатлар, тили, дини, маданияти бошқа-бошқа бўлган минг-минглаб одамлар терроризмга қарши оёққа турди. Бутун инсониятни ялпи хавфдан халос этишдек ана шу мақсад йўлида бирлашди.

Сир эмаски, мамлакатимиз терроризм хавфини нафақат бошқалардан илгарироқ англаб етган, балки бу қора кучнинг жабрини бошдан кечирган давлатлардан бири саналади. Террорчилар кеча Америкада қонли из қолдирган бўлсалар, эртага исталган бошқа бир давлатда қон тўкилишига сабабчи бўладилар. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбарияти дунё давлатларини терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши аёвсиз курашишга, уни таг-томири билан қўпориб ташлашга чорлаганди.

Дунёнинг нуфузли минбарларидан жаранглаган бу таклифлар, бугун сайёрамиз бўйлаб акс-садо бермоқда ва дунё халқларини нафақат ҳушёрликка, балки дахлсиз ва хавф-хавотирдан холи бўлган келажакни таъминлашга чақирмоқда.

Бизнинг Тўрткўл туман прокуратураси ҳам бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жойларга чиқиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Туман Агробизнес коллежида ва Тиббиёт билим юртида ўтказилган учрашувда талабалар, Ш. Рашидов ширкат хўжалигида пахта тераётган марказий касалхона ходимлари ушбу аср вабосига ўз муносабатларини билдириб, унга қарши барчамиз биргаликда курашишимиз лозимлигини таъкидлашди.

Мана бир неча ўн кун ўтдики, АҚШ ва Буюк Британия давлатларининг ҳарбий кучлари Афғонистондаги террорчиларнинг ҳарбий базалари, ўқ-дори омборлари, таянч нуқталарига тўхтовсиз зарба бермоқда. Ҳозирча олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларнинг натижалар и тўла эълон қилинмаган бўлса-да, бу ҳаракатларнинг ниҳояси адолат ғалабаси билан тугашига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Негаки, бизга болалигимиздан ўргатишганидек, эзгуликнинг ҳамиша ёвузликдан қўли баланд келади.

*Ўзбекистон Республикаси Қонуни*

# Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси** қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси **(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда):**

**1)** 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради»;

**2)** 43-моддасининг иккинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин»;

**3)** 44-моддасининг иккинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади»;

**4)** 50-моддаси:

**қуйидаги мазмундаги** тўртинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари **тегишинча** бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар **деб ҳисоблансин;**

бешинчи қисмининг «а» банди **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда»;

олтинчи қисмининг «б» банди **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда»;

**5)** 51-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), агрессия (151-модданинг иккинчи қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас»;

**6)** 53-моддаси **чиқариб ташлансин;**

**7) Кодекс қуйидаги мазмундаги** $66^1$-модда **билан тўлдирилсин:**

«$66^1$-модда. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш

Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин»;

**8)** 73-моддасининг учинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин»;

**9)** 74-моддасининг учинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин»;

**10)** 85-моддаси:

**қуйидаги мазмундаги** тўртинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди»;

тўртинчи, бешинчи **ва** олтинчи қисмлари **тегишинча** бешинчи, олтинчи **ва** еттинчи қисмлар **деб ҳисоблансин;**

**11)** 89-моддасининг учинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади»;

**12)** 90-моддасининг учинчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин»;

**13)** 104-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**14)** 113-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

тўртинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**15)** 117-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**16)** 118-моддаси тўртинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**17)** 125-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

**18)** 130-моддасининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

**19)** 135-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

иккинчи ва учинчи қисмларининг санкцияларидаги **тегишинча «мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай» ҳамда «мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**20)** 139-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**21)** 140-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

**22)** 141-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**23)** 155-моддаси:

биринчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият -

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи ва учинчи қисмларининг санкцияларидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**қуйидаги мазмундаги** тўртинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади»;

**24)** 157-моддаси биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**25)** 159-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

тўртинчи қисмининг санкциясидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**(Давоми 4-5-6-бетларда)**

*Ўзбекистон Республикаси Қонуни*

# Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

**26)** 166-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларининг санкцияларидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**27)** 167-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

**28)** 168-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

**29)** 169-моддаси:

биринчи қисмининг санкциясидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

иккинчи ва учинчи қисмлари **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўғрилик:

а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғрилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

тўртинчи қисмининг санкциясидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**30)** 170-моддаси:

иккинчи қисмининг санкциясидаги **«мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**қуйидаги мазмундаги** учинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

**31)** 173-моддаси:

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**32)** 174-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч ойдан олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

**33)** 175-моддаси:

биринчи ва иккинчи қисмларининг санкцияларидаги **тегишинча «мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай» ҳамда «мол-мулк мусодара қилиниб» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**қуйидаги мазмундаги** учинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

**34)** 177-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**35)** 179-моддасининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**36)** 180-моддасининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**37)** 181-моддасининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**38)** 182-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**39)** 184-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш:

а) такроран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

**40)** 186-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**41)** $186^1$-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**42)** 188-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, -

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса,-

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**43)** 189-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш:

а) хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

**44)** 191-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

**45)** 193-моддасининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**46)** 194-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**47)** 195-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**48)** 196-моддаси:

биринчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

(Давоми 5-6-бетларда)

*Ўзбекистон Республикаси Қонуни*

# Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**(Давоми. Бошланиши 3-4-5-бетларда)**

каси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин»;

**12)** 374-моддаси:

иккинчи қисмининг 6-бандидаги **«ва эҳтимол тутилган мол-мулк мусодарасини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

учинчи қисмининг 3-бандидаги **«фуқаровий даъво ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар «фуқаровий даъвони» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**13)** 380-моддасининг биринчи қисмидаги **«ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**14)** 384-моддасининг 8-бандидаги **«ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**15)** 396-моддасининг 6-бандидаги **«зарарни қоплаш ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар «зарар қопланишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**16)** 398-моддасининг:

номидаги **«ва мол-мулкни мусодара этишни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

матнидаги **«зарарни қоплаш ҳамда мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар «зарар қопланишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**17)** 401-моддасининг биринчи қисмидаги **«ва мол-мулкнинг мусодарасини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**18)** 405-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим.

Жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида суд уни мазмунан ҳал этишни тугаллаши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин. .

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади»;

**19)** 457-моддаси биринчи қисмининг 11-бандидаги **«ёки мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

**20)** 470-моддасининг 5-банди **чиқариб ташлансин;**

**21)** 558-моддасининг биринчи қисми **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш вояга етмаган шахсга нисбатан фақат ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин»;

**22)** Кодекс **қуйидаги мазмундаги** 62-боб **билан тўлдирилсин:**

«62-боб. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

582-модда. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари

Ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66$^1$-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

583-модда. Ярашув тўғрисидаги ариза

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

584-модда. Жиноят ишини судга юбориш тартиби

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга таалуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

585-модда. Суд муҳокамаси

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розиликларини аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90 – 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

586-модда. Суд ажрими

Суднинг ажрими қуйидаги қоидалар бўйича тузилади.

Суд ажримининг кириш қисмида:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин».

**III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси **(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда):**

**1)** 61-моддасининг матни **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади»;

**2)** 164-моддаси:

**қуйидаги мазмундаги** иккинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари **тегишинча** учинчи ва тўртинчи қисмлар **деб ҳисоблансин;**

**3)** 174-моддаси:

**қуйидаги мазмундаги** иккинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисми **тегишли равишда** учинчи қисм **деб ҳисоблансин;**

**4)** 176-моддаси:

иккинчи қисмининг санкцияси **қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**қуйидаги мазмундаги** учинчи қисм **билан тўлдирилсин:**

«Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар анча миқдорда содир этилган бўлса –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**
**Тошкент шаҳри, 2001 йил 29 август**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, содир этган қилмишлари Қонунга биноан жиноий деб топилмайдиган шахслар жазонинг барча туридан (асосий ва қўшимча жазолардан) озод қилинсин.

3. Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишларга доир суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг юритишидаги ишлар тугатилсин.

4. Қонун амалга киритилгунга қадар ҳукм қилинган, жазони ўтаб бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланган жазо турлари ва чоралари, башарти Қонуннинг тегишли моддасида назарда тутилганига нисбатан оғирроқ бўлса, Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин. Жазо чораси судлар томонидан Қонуннинг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазо чорасига қадар камайтирилади.

5. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида ва тарбия колонияларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

6. Ушбу Қарорнинг 2-бандига мувофиқ жазодан озод қилинган шахслар, шунингдек Қонунга мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлар учун ҳукм қилиниб, жазони илгари ўтаб чиққан ёки жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисоблансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, қўшимча жазо тариқасида мол-мулкнинг мусодара этилишини назарда тутувчи, лекин Қонун амалга киритилган кунга қадар ижро этилмаган суд ҳукмлари ижро этилиши мумкин эмас.

8. Ушбу Қарорнинг ижроси:

1) 2, 4, 5 ва 7-бандларда уқтирилган шахсларга нисбатан – ана шу шахсларга нисбатан ҳукмларни ижро этувчи органларнинг тақдимномасига биноан жазони ўташ жойларидаги судлар зиммасига;

2) 3-бандга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган ишларга нисбатан – суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қарор 2 – 8-бандларининг ижроси Қонун амалга киритилган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида амалга оширилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Қарорнинг ижросини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси** **Э.Халилов**
**Тошкент шаҳри,**
**2001 йил 29 август**

РЕКЛАМА РЕКЛАМА





**«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ»**

Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси

*Уйингиз ва офисингиз кўркига кўрк қўшадиган замонавий, шинам ва юқори дид билан ишланган мебелларни таклиф этади.*

Манзилимиз: Хива ш., Куюк кўл п.
Тел.: (36237) 63089, 63090.
Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 41.
Тел.: (3712) 74-20-46, 74-29-29, 75-16-19.




**КОМПЬЮТЕР ВА ПРИНТЕРЛАР, ИНТЕРНЕТГА ҒЛАНИШ**

Тел.: 132 - 00 - 00




«СИНТА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз кондиционерларини харид қилишга таклиф этади.

**Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 18.**
**Тел.: 50-47-67.**

- *Ташкилотлар ва корхоналар*
- *раҳбарлари!*
- *Бош бухгалтер ва аудиторлар!*
- *Бизнесчилар ва хусусий*
- *тадбиркорлар!*

## «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ»

***Сизнинг энг яхши дўстингиз ва маслаҳатчингиз!***

**Унинг саҳифаларида:**

**- солиқ қонунчилигига киритиладиган барча қўшимчалар ва ўзгартишлар;**
**- республикада иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонун хужжатлари;**
**- солиққа тортиш ва иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг батафсил шарҳлари;**
**- бухгалтер, аудиторлар ва солиқ инспекторларига ёрдам тариқасида услубий материаллар;**
**- хусусий бизнес ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар учун махсус бўлимлар чоп этилади.**



*Сиз журналимизга обуна бўлар экансиз, бизнесда омадингиз келишига кафолат оласиз!*
*Ахборот кимда - олам ўшанда!*
*Барча ахборотларни нашримиздан топасиз!*

**Нашримиз кўрсаткичлари - 863, 824.**

## «РАВШАН» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

**ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ.**
**ҲАР ҚАНДАЙ ЮКИНГИЗНИ ИСТАЛГАН МАНЗИЛГА ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.**



*Манзил: Ўрикзор даҳаси, Обводная кўчаси. Мўлжал: 18-автопарк.*
*Телефонлар: 47-03-06, 47-05-55.*

## ATL A SUSTEM INTEGRATION COMPANY



**Вычислительная техника**



**Консалтинг**



**Обслуживание**



**Сети**



**Программное обеспечение**



**Периферия**

Наш адрес:
700100, г. Ташкент,
ул. Бобура, 20
ком. 220.
Тел.: 54-26-46.
Факс: 53-26-06.
e-mail:
atlcomp@onlaine.ru

